

Мундарижа

Хуауа Шерзод МУСТАФАКУЛОВ. Кластерли ёндашув асосида хуудий инфратузилмани шакллантиришда устувор йўналишлари	3
Бозор иқтисодиёти Жавлонбек ҚУРБОНОВ. Корпоратив тузилмаларда капитал баҳоси ва уни ҳисоблаш механизми	11
Капитал Махмуд СУЛТАНОВ, Жамол БОБОЖОНОВ. Инвестиция фондлари ижтимоий-иқтисодий моҳиятига тизимли ёндашув	16
Долзарб мавзу Тулқин ПАРДАЕВ. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини либераллаштириш шароитида божхона тўловларининг ўрни	22
Молия Отабек МУСТАФОҚУЛОВ. Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда инвестиция сиёсатининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари	27
Аграр соҳа Асрор БАХРИДДИНОВ, Назарбек БОЛТАЕВ. Фермер хўжаликларида маркетингни бошқаришнинг асосий йўналишлари	31
Ушлублият Шахноза НУРУЛЛАЕВА, Светлана ИВАНОВА, Фотима АБДУРАХМАНОВА. Иқтисодий ўсиш омилларини тадқиқ этишнинг эконометрик методлари ва уларнинг имкониятлари	34
Сайёҳлик Дилбар АСЛАНОВА, Машҳура АЛИМОВА. Самарқанд вилоятида хуудий туристик кластер шаклланишининг концептуал асослари	39
Таққос ва таҳлил Нодира АБДУСАЛОМОВА. Корхоналарда харажатларни бошқаришдаги мавжуд муаммолар ва харажатларни таснифлаш	47
Кун мавзуси Зокир МАМАДИЯРОВ. Иқтисодиётда реал сектор гушунчаси ва ушбу соҳани кредитлашнинг зарурлиги	52
Жараён Фахридин АБДУСАЛЯМОВ. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган сиёсат	57
АКТ Муяссар МИРЗАКАРИМОВА. Ахборотлашган жамиятда бандалик таркиби шаклланишининг хорижий тажрибаси	62
Бандалик Нарзилло РУСТАМОВ. Хизматлар соҳасини ривожлантириш – ялпи ички маҳсулот ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлашнинг муҳим омили	66
Соҳа тараққиёти Акбар СУЛТАНОВ. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш: замонавий саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш истиқболлари	70
Нуқтаи назар Халықназар ҚАЛИМБЕТОВ. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишининг баъзи томонлари	80
Ресурс Гулшан АБДУЛХАЕВА. Тоғ ва тоғолди хуудлари қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш хусусиятлари ва йўналишлари	83
Бозор тамойиллари Муҳаммадсодиқ ЗОКИРЖОНОВ. Кредит таввакалчилигини баҳолаш моделлари	87
Мезон Хайрулло РЕЖАПОВ. Меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорига таъсир этувчи омиллар	92
Тадқиқот Манзура АБДУРАХМОНОВА, Ориф УМАРОВ. Солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ ва тўловларни ҳисоблаб чиқаришнинг қолдиқ усулининг афзаликалари	97
Стратегия Феруза АБДИНАЗАРОВА. Саноатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан изчил янгилашнинг – иқтисодиётдаги ўрни	101
Ислоҳот Дурбек ХУСАНОВ. Аграр соҳада жалб қилинган инвестицияларни прогноз қилиш усуллари	104
Модернизация Абдуғафур ХОТАМОВ. Индустрал радиотўсиқлар ва уларни бартараф этиш усуллари	107
Тема дня Аделя ЯФУНЯЕВА. Оценка инвестирования в человеческий капитал	110

Содержание

Тема дня Аделя ЯФУНЯЕВА. Оценка инвестирования в человеческий капитал	110
---	-----

**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- ЯЛПИ ИЧКИ
МАҲСУЛОТ ЎСИШИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ОШИШINI
ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Рустамов Нарзилло Истамович,

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта илмий ходим-
изланувчиси**

АННОТАЦИЯ

Мақолада хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг умумий йўналишлари, унинг аҳамияти, хизмат кўрсатишнинг илмий-назарий асослари ёритилган, мамлакатимизда хизматлар соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва мазкур соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются общие направления развития сферы услуг, её значимость, научно-теоретические основы сферы услуг. В статье проведён анализ основных показателей развития сферы услуг в нашей стране, и даны предложения по развитию данной отрасли.

ANNOTATION

In the article described general development direction, essence and scientific – theoretical bases service sphere. In the article specified analysis of main development indicators of service sphere in our country, and given recommendations for further development of current sphere.

Таянч иборалар:Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис, хизматларинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, хизматлар ривожланишининг аҳоли турмуш даражасига таъсири, хизматлар соҳасини такомиллаштириш тадбирлари.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим соҳалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Чунки бозор иқтисодиётини таркибий ўзгартириш шароитида энг асосий масалалардан бири – хизматлар соҳасини ривожлантириш, шунингдек, соҳада аҳолининг иш билан бандлик даражасининг кенгайиб бориши ҳисобланади. Ҳозирда бирор мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига кўшиш учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакатда яратилаётган ЯИМ даги улуши 65 фоиздан юқори

бўлиши асосий мезон бўлиб қолмоқда. АҚШ иқтисодиётида яратилган ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 78, Японияда 62 фоизни ташкил этади. Шу сабабли мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда ва бу борада Президент И.А.Каримов “Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда. 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг учдан бир қисми айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада хизматларнинг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз” [1] деб таъкидладилар.


Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларига эътибор қаратсак, иқтисодчи олимлар томонидан чоп этилган кўплаб иқтисодий адабиётларда “хизмат кўрсатиш” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. АҚШлик иқтисодчилар Кэмпелл Р.Макконнелл ва Стэнли Л.Брюлар “хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматга эга бўлган қандайдир нарсани истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир” [2], деб таъриф беришган. Ф.Котлер “Хизматлар-бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат” [3] деб таъкидлаган.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан И.С.Очилов “Хизмат деганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади” деб таъкидлаган [4]. М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи- назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа” [5] деб таърифлаган, Ж.М.Курбонов хизмат кўрсатиш “бу инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади” [6] деб таъриф берган. Қ.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад олиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб

чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”[7] деб айтиб ўтган.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътибор қаратилиши натижаси ўларок, ушбу соҳанинг ҳуқуқий-меъёрий асослари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754 сонли “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги ПҚ-1957 сонли “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида қабул қилинган дастур ва қарорининг ижросини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган тадбирлар хизмат соҳасини жадал ривожланишида муҳим босқич бўлмоқда.


Ўзбекистонда сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматларнинг жами хизматлар таркибидаги улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушгани ҳолда юқори технологиялар асосидаги хизматларнинг улуши 21,2 фоизга қадар кўтарилди. Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан анча жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йилда эса 24,5 фоизга ўсди. Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ҳам йил сайин ошиб бормоқда[8]. Унинг ўзгариши терденциялари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Хизматлар соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши(% да)

1-расмдан кўришиш мумкинки, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида хизматларнинг улуши ошиб бориши кузатилмоқда ва бу ҳукуматимиз томонидан белгиланган 2016 йилнинг якунигага бориб хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини 55 % га етказиш вазифасини бажаришга яқин турибди.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши ортиб бориши билан бир қаторда хизматлар соҳасининг улуши ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган Давлат дастурларини амалга ошириш йилларида (2006-2015 йиллар) хизматлар соҳасининг иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида нисбатан юқорироқ ўсиш суръати кузатилган. Бу даврда яратилган хизматлар ҳажми ўсиши саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўсишдан сезиларлича илгарилаб, 3 баробарга ошди. Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ўсиши кўрсаткичлари 2-расмда келтирилган.



2- расм. 2011-2015 йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ўсиши кўрсаткичлари(% да)

2-расмдан кўриш мумкинки, мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ўсиши 2011 йилда 113,2 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур соҳанинг ўсиши 2015 йилда 116,6 фоизни ташкил этди. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида сифат кўрсаткичлари қатъий равишда ошиб, унга бўлган талабнинг ўсиб бориши соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш хизматларининг янада ривожланишига, шунингдек, илгари мавжуд бўлмаган юқори технологияли хизматларнинг шаклланишига ва юзага чиқишига сабаб бўлди. Юқори сифатли турли-туман хизматларнинг мавжудлиги аҳолининг соғлиғига ва инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ишчиларнинг иш унумини, истеъмол харажатларини оширади, бўш вақтни кўпайишига ва аҳолининг дам олишига имконият беради. Инсон фаолиятида жуда қулай, хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатаётган янги хизмат кўрсатиш тармоғи, яъни бугунги кунда зудликда

маълумотлар билан таъмин этувчи интернет, мобиль (уяли) телефонлар ва бошқа фан-техника ютуқларини қўллайдиган хизмат турлари ривожланиб бормоқда. Мазкур хизмат турларининг ривожланиши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий қудрати юксалишига, унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш учун куйидагиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- хизматларнинг янги замонавий турларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш, хизматлар турларини янада кенгайтириш керак;
- мамлакатимизда баъзи хизмат турларнинг ҳисобга олинишини такомиллаштириш зарур, бу ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг улуши ошишига олиб келади;
- мамлакатимизда хизматлар соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим;
- хизматлар соҳасида янги иш ўринларни яратишни жадаллаштириш керак;
- хизматлар соҳасига янги инновацион технологияларни кенг жалб этиш зарур;
- ҳозирги кундаги замонавий хизмат турлари ҳисобланадиган алоқа ва ахборотлаштириш, компьютерда дастурлаш хизматларининг жами хизматлар таркибидаги улушини оширишга эътибор қаратиш лозим ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.
2. Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. Санг. Т.2. – Таллин, 1993, стр.398.
3. Котлер Ф. Маркетинг-менежмент // Экспресс-курс. 2-е изд. / Перевод с англ. Под ред. Божук С.Г. Спб.: Питер. 2005. С-301
4. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. “Иқтисод молия”, 2008. 37 б.
5. Муҳаммедов М.М. —Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.
6. Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 58 б.
7. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 49 бет.
8. www.stat.uz маълумотлари.